



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMINING QARORI

220100, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi, 29-uy, tel: (62) 223-00-42, fax: 223-00-22

2022 - yil 14 - yanvar

10-12-0-Q/22

Xorazm viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрда “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-77-сонли қарорининг ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сонли қарорининг ижроси юзасидан вилоятда аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, “уста-шогирд” анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрда “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-77-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

2022 йилдан бошлаб “Хунарманд” уюшмаси аъзолари учун:

ижтимоий солиқ ставкаси йилига **базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари** миқдорида белгиланганлиги;

фаолият юритиш жойидан қатъий назар, **коммунал инфратузилма хизматлари** (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти) ҳақини **тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар** асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоятда 2022 йилда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича “Йўл харита”си (кейинги ўринларда – “Йўл харита”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш

масалалари бўйича биринчи ўринбосари – вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи К.Игамбергенов, Урганч шаҳар ҳокимлиги (О.Холбоев), Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов) билан биргаликда 2022 йилнинг 1 июнига қадар вилоят марказида хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар савдосига ихтисослашган хунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларини (кейинги ўринларда - савдо павильонлари) ташкил этиш чораларни кўрсин.

Бунда:

савдо павильонларини 150 квадрат метрдан кам бўлмаган майдонда, Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳа асосида ташкил этилсин;

савдо павильонларини ташкил қилиш (қуриш) маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Н.Жуманиёзов), “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 апрелга қадар вилоят маркази ҳамда хунармандчилик ривожланган туман ва шаҳарлардаги давлат хизматлари марказлари бинолари ёки унга туташ ҳудудларда доимий фаолият кўрсатадиган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўرғазмалари ва савдо расталари фаолиятини йўлга қўйсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Ш.Туляганов ва ҳокимнинг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси К.Атажанов, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов) билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб, ҳар йили “ЎзэкспоМарказ” павильонларида **“Craft fair Uzbekistan”** халқаро хунармандчилик маҳсулотлари ва технологиялари ярмаркаси ташкил этилишига кўмаклашиш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари – вилоят туризм ва спорт бошқармаси бошлиғи Б.Саидов, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Б.Қурбаниязов) “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов) “Хунармандчилик марказлари” ва “Уста-шогирд” мактабларини туристик маршрутларга киритиб борсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

маҳаллаларда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича ҳоким ёрдамчилари ва “Хунарманд” уюшмаси қуйи тузилмаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

хоким ёрдамчилари ва “Хунарманд” уюшмасининг ҳудудлардаги масъул ходимлари билан биргаликда маҳаллаларда хунармандчилик лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

9. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси (И.Бобожонов) Хоразм вилояти телерадиокомпанияси (Ў.Матқурбонов), “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Рахимберганова) мазкур қарорнинг ижросини кенг ёритиб бориш тавсия қилинсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими вазифасини
вақтинча бажарувчи**



К.Игамбергенов

Хоразм вилоят ҳокимининг
2022 йил 14 январдаги
10-12-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

**Вилоятда 2022 йилда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Г/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
1. Хунармандчилик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш					

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
1.	<p>2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>имтиёзли кредитларни ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 6 ойгача имтиёзли давр билан 225 миллион сўмгача ажратиш;</p> <p>имтиёзли кредитларни ҳунарманднинг талаби бўйича депозит ҳисоб-рақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик унга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатиға мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этиш;</p> <p>олдинги йилларда ҳунармандларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилган қисмидан ҳосил бўлган маблағларни айнан ҳунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш учун қайта йўналтириб бориш;</p> <p>ҳунармандчилик субъектларига оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратилган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш ва уларни тижорат банкларига ўз вақтида қайтариш юзасидан «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан тижорат банклари билан биргаликда доимий мониторинг ва назорат тизимини ўрнатиш.</p>	Тижорат банклари кредитлари	2022 йил давомида	Марказий банк вилоят бош бошқармаси (К.Қурбанов), “Халқ банки” АТ (Қ.Маҳмудов), “Микрокредитбанк” АТБ (Ф.Алимов), “Агробанк” АТБ (Н.Давлетов), “Ҳунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов) вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
2.	Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш бўйича «oilakredit.uz» электрон платформасида ҳунармандларни онлайн навбатга қўйиш ва лойиҳаларини кредитлаш учун алоҳида бўлимни ишга тушириш.		2022 йил март	Марказий банк вилоят бош бошқармаси (К.Қурбанов), Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси (Б.Қурбаниязов)	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамберженов)
3.	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан куйидаги мақсадлар учун субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш: «уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга — шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун бир ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда; шогирдларга — мустақил фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши, шунингдек, усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан ошмайдиган қисмига.	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	2022 йил январь	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, вилоят молия бош бошқармаси (М.Искандаров), “Ҳунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамберженов) вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
4.	2022 йил январдан бошлаб, «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун: ижтимоий солиқ ставкасини йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгилаш; фаолият юритиш жойидан қатъий назар коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлашни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга ошириш.		Доимий	Вилоят молия бош бошқармаси (М.Искандаров), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Х.Абдикаримов), "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бошқармаси (С.Берегин), "Ҳудудгаз Хоразм" газ таъминоти филиали (Ш.Сабилов), Хоразм вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Д.Аллақулиев)	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенев), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Қурбанов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)
II. Хунармандчилик соҳасида маркетинг ва савдо тизимини такомиллаштириш, экспортга қўмаклашиш ва хунармандчилик маҳсулотларини тарғиб қилиш					

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
5.	<p>1. Вилоят марказида Урганч шаҳрида ҳунармандлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар савдосига ихтисослашган ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонларини ташкил этиш. Бунда: савдо павильонларини 150 квадрат метрдан кам бўлмаган майдонда, Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳа асосида ташкил этиш; савдо павильонлари орқали ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиб олиш ҳамда реализация ва экспорт қилиш ишларини тизимли ташкил этиш; савдо павильонлари манзилени хорижий ва маҳаллий туристлар учун мўлжалланган туристик маршрутларга киритиш</p> <p>2. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ҳунармандчилик анъаналари асосида савдо павильонларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Маҳаллий бюджет ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар</p> <p>2022 йил февраль</p>	<p>2022 йил 1 июнга қадар</p>	<p>Урганч шаҳар ҳокимлиги (О.Холбаев), Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Ҳунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов), вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси (Ж.Шамуратов), вилоят қурилиш бошқармаси (Б.Каримов)</p> <p>вилоят қурилиш бошқармаси (Б.Каримов), “Ҳунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов)</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Қурбанов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов) вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Саидов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
6.	Вилоятлар марказлари ҳамда ҳунармандчилик ривожланган туман ва шаҳарлардаги Давлат хизматлари марказлари биноларида доимий фаолият кўрсатадиган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ва савдо расталари фаолиятини йўлга қўйиш.		2022 йил 1 апрелга қадар	Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (Н.Жуманиёзов), “Хунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов) вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)
7.	“Ўзэкспомарказ” павильонларида “Craft fair Uzbekistan” халқаро ҳунармандчилик маҳсулотлари ва технологиялари ярмаркасини ташкил этиш.	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Ҳар йили	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси (Р.Санаев), Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси (Б.Қурбаниязов), “Хунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов) вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов), вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси (К.Атажанов)
III. Ҳунармандчилик фаолияти учун зарур бўлган хом ашё базасини яратиш					

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
8.	<p>Хунармандчилик маҳсулотлари учун хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган кластерлар фаолиятини тўлақонли ташкил этиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>кластерлар устав капиталини тенг улушларда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан шакллантириш;</p> <p>кластерларга хунармандчилик ва ипак мато, ипак гиламлари тўқиш фаолиятини ташкил этиш ҳамда қайта тикланадиган хом ашё (тутзорлар, қаттиқ турдаги дарахтлар) базасини яратиши учун зарур бўлган ер майдонларини пахтадан қисқартирилган ерлар ҳисобидан ажратиш.</p>	<p>Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси,</p> <p>Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси</p>	<p>2022 йил январь</p>	<p>Вилоят бандлик бош бошқармаси (О.Артиқов),</p> <p>вилоят молия бош бошқармаси (М.Искандаров),</p> <p>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари</p>	<p>Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов),</p> <p>вилоят ҳокимининг ўринбосари (К.Сабиров),</p> <p>вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ж.Садауллаев)</p>
9.	<p>Хунармандчиликнинг ёғоч буюмлар ясаш ва ёғоч ўймакорлиги йўналишлари ривожланган ҳудудларда зарур бўлган дарахт турларини экиш ва парваришлаш мақсадида, ташаббускор хунармандларга ўзлаштирилмаган ёки пахтадан бўшаган ер майдонлардан камида 10 гектардан ажратиб бериш.</p>	<p>Ташаббускор хунармандлар маблағлари</p>	<p>2022 йил февраль</p>	<p>Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Х.Жуманиёзов),</p> <p>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов),</p> <p>вилоят ҳокимининг ўринбосари (К.Сабиров)</p>
<p>IV. “Уста-шогирд” анъаналарини янада ривожлантириш орқали аҳолини хунармандчиликка кенг жалб қилиш</p>					

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
10.	Қўшқўпир туманида янги дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қадоклаш, электрон савдо платформаси орқали сотиш, ҳунармандларни маркетингга ўқитиш бўйича “ Хунармандлар ўқув маркази ”ни ташкил этиш.	Маҳаллий бюджет	2022 йил октябрь	Қўшқўпир туман ҳокими (<i>Ж.Рахимов</i>), вилоят бандлик бош бошқармаси (<i>О.Артиқов</i>)	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (<i>Ш.Туляганов</i>)
11.	Вилоятда ҳунармандчилик маҳсулотлари бўйича “ Хоразм бренди ”ни яратиш ва бозорларга олиб чиқиш дастурини ишлаб чиқиш.	Маҳаллий бюджет	2022 йил апрель	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси (<i>Р.Сапаев</i>), “Хунарманд” бошқармаси (<i>И.Бобожонов</i>), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (<i>Ш.Туляганов</i>)
12.	Миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича болалар мусиқа ва санъат мактаблари, “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамда касбга ўқитиш масканларида ўқув-машғулотларини ташкил этиш. Бунда, ўқув жараёнларига ментор сифатида халқ амалий санъати усталари миллий каталогига кирган ва узоқ йиллик тажрибага эга бўлган усталарни жалб этиш.	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Доимий	Вилоят бандлик бош бошқармаси (<i>О.Артиқов</i>), Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси, “Хунарманд” бошқармаси (<i>И.Бобожонов</i>), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (<i>К.Игамбергенов</i>) вилоят ҳокимининг ўринбосари (<i>Ш.Туляганов</i>)

Т/р	Чора-тадбирлар	Молиялаштириш манбалари	Ижро муддати	Амалга ошириш учун масъуллар:	
				Бошқарма ва ташкилотлардан	Вилоят ҳокимлиги
13.	<p>Ёш ҳунармандлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва соғлом рақобатни йўлга қўйиш мақсадида “Ёш ҳунармандлар” фестивалини ўтказиш.</p> <p>Бунда, мазкур фестивалнинг туман ва шаҳар ҳамда вилоят босқичларида сараланган ёш ҳунармандлар иштирокида республика босқичида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида юксак даражада қатнашиш.</p>	Республика ва маҳаллий бюджет	2022 йил июль — сентябрь	<p>“Хунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов),</p> <p>Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (С.Палвонов),</p> <p>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов)</p> <p>вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)</p>
14.	<p>Ҳар бир туман ва шаҳарда, жумладан, ҳунармандчилик кириб борган 526 та маҳаллада 900 ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш.</p> <p>Бунда, лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама қўмаклашиш юзасидан жойлардаги ҳоким ёрдамчилари ва “Хунарманд” уюшмаси бўлимларининг ўзаро ҳамкорлик тизимини яратиш.</p>		2022 йил давомида	<p>Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят бошқармаси,</p> <p>“Хунарманд” бошқармаси (И.Бобожонов),</p> <p>шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари</p>	<p>Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Игамбергенов)</p> <p>вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ш.Туляганов)</p>